

## “АВЕСТО”ДА ЖИСМОНИЙ БАРКАМОЛЛИК ҒОЯСИ

Хабибова Г.Г.

БухДУ педагогика кафедраси катта ўқитувчиси

**Аннотация** Мақолада зардуштийлар ва уларнинг муқаддас китоби ҳисобланмиш “Авесто”даги жисмоний тарбия ҳақидаги қарашлар мазмуни ёритилган.

**Таянч иборалар:** таълимот, зардуштийлик, мерос, жисмоний маданият, баркамоллик.

## ИДЕЯ ФИЗИЧЕСКОГО СОВЕРШЕНСТВА В «АВЕСТЕ».

Хабибова Г.Г.

Ст.преподаватель кафедры педагогики БухГУ

**Аннотация** В статье освещается суть физической культуры в священной книге зороастрийцев «Авесте»

**Ключевые слова:** учение, зороастризм, наследие, физическая культура, совершенство.

## THE IDEA OF PHYSICAL PERFECTION IN “AVESTA”.

Khabibova G.G.

Senior Lecturer, Department of Pedagogy, BukhSU

**Abstract** The article highlights the essence of physical culture in the sacred book of the Zoroastrians “Avesta”

**Key words:** teaching, Zoroastrianism, heritage, physical culture, perfection.

Исломгача бўлган даврда зардуштийлик динига эътиқод қилган аждодларимиз таълим-тарбия жараёнининг ўзига хос хусусиятларини намоён қиладиган ва жасурлик, мардлик, Ватанга, ота-онага садоқат каби хусусиятларни қалбига жо айлаган ёш авлодни тарбиялаш, миллий ғурур, миллий ифтихор туйғуларини тарғиб қилишга қаратилган асарлардан бири “Оятқори Зарирон”дир.

Асарда пайғамбар Зардушт Эрон шоҳи Гуштаспни ўз дининг аҳкомлари билан таништиргани ва шаҳаншоҳ Гуштасп томонидан зардуштийлик динининг қабул қилиниши, муҳолиф Аржасп томонидан эса элчилар келиб

бу диндан воз кечиш талабини кўйганлиги ва шу вазият атрофида бўлиб ўтган воқеалар ҳикоя қилинади. Шоҳ укаси Зарир зардуштийлик эътиқодидан воз кечишга қатъий қарши эканлигини айтиб, урушга тайёрланиш чоратадбирларини кўра бошлайди.

Шоҳ Гуштасп эса донишманд Жомаспни ёнига чорлаб, бўлажак можаролар ҳақида башорат қилишни сўрайди. Жомасп эса бу жангда иккала тарафдан ҳам кўп қон тўкилиши, минглаб сара жангчилар ҳалок бўлиши, шунингдек шоҳ укаси Зарирнинг ҳам қахрамонларча ҳалок бўлиши, оқибат жанг маздопарастлар ғалабаси билан тугаб, паҳлавон Сипондидат душманлар шоҳи Аржаспни асирга олиб, оёқ, қўллари, кулоқ, бурунларини кесиб ўз мамлакатига думсиз хачирга миндириб юбориши ҳақида башорат қилади.

Жанг бошланиб Зарир ботирлик мардлик, қахрамонлик мўъжизаларини кўрсатади. Бирин-кетин душманнинг энг кучли ва жасур жангчилари жанг майдонини ташлаб қочишади.

Шунда шоҳ Аржасп кимки Зарирни ўлдирса, унга ўз қизини беришини эълон қилади. Жанг қизиган пайтда жодугар Видарафш номардларча, орқа томонидан ҳужум қилган ҳолда Зарирни ўлдириб, унинг отини ўлжа сифатида олиб кетади.

Воқеалар ривожининг энг кульминацион нуқтаси шу пайтдан бошланади. Отасининг қасосини олиш ва душманларни ер тишлатиш учун майдонга Зарирнинг 10 ёшли ўғли Бастур чиқади. Шоҳ Гуштасп жиянининг ёшлигини инобатга олган ҳолда уни жангга иштирок этмасликка чорлайди.

Аммо душманга бўлган нафрат ҳамда Ватанга муҳаббат Бастурни олға ундайди. Бирин-кетин душманларни маҳв этиб, жанг майдонида отасининг жонсиз танаси олдида Бастур бир томчи қони қолгунча душманларга қарши қақшатқич зарба бериш ва ватанини ҳимоя қилишга қасамёд этади. Якамма-якка ҳалол жангда Бастур жодугар Видарафшни ўлдириб, ундан отасининг отини тортиб олади.

Бастурнинг жасоратидан руҳланган саркардалар ва жангчилар янада шиддатли жангга киришиб душманни қириб ташлашади.

Эй, менинг ҳаётим, номусим орим,  
Айт, жонингни ўғирлаган ким.  
Эй ! шавкатли, падари бузрукворим,  
Пок қонингни хўрлаганлар ким.  
Семурғсифат отингни ўғирлаган ким,  
Ҳайҳотдек жанггоҳда ётибсан-ку жим.  
Шамолдек учиб тез ёнингга боргум,  
Душман танасига қиличим солгум.  
Шиддатимдан тоғлар ларзага келур,  
Дарёлар ёғийнинг қонидан тўлур.

Асар воқеаларида иккала томоннинг эътиқод учун жангга киришишлари асосий моҳият сифатида ҳис этилади. Бунда 10 ёшли болакайнинг жасорати, қахрамонлиги, фидокорлиги, матонати куйланиши келажак авлодни руҳлантириб, ватанпарварликка ундаб, миллий ифтихор, ғурур, фахр туйғуларини шакллантиришга хизмат қилади. Шунингдек ҳали балоғат ёшига етмаган Бастурнинг бир вақтнинг ўзида барча жанг қуролиларидан моҳирона фойдалана олиши, от минниси, эгарлаши, чавандозлик, жанг стратегияси ва тактикасини пухта билиши зардуштийларда таълим ва тарбия жараёни нақадар тўғри йўлга қўйилганлигининг яққол далилидир.

Зардуштийларда жисмоний ва меҳнатсеварлик тарбиясидан назарда тутилган асосий мақсад ёшларни ҳарбий-жангаворликка ва меҳнатсеварликка тарбиялаш, уларни жисмонан ва меҳнатга чиниқтиришдан иборат эди.

Ўғил болаларга кураш тушиш, отга сувлик солиш ва уни эгарлаш, мол боқиш ҳамда уларни урчитиш ва туғдириш, туя-отларни парваришлаш, уларни бошқара олиш, яйловларда сурувларни ўтлатиш, чорвани йиртқич ҳайвонлар ва қароқчилардан муҳофаза қилиш учун 50 дан зиёд ҳарбий қуролни ишлата билиш малакасини эгаллаш мажбурий бўлиб, чавандозлик ва яна ўттиз икки ҳарбий ҳунар ўргатилган.

“Авесто” ва пандномаларда келтирилган далиллар шуни кўрсатадики, қадимги аждодларимиз болаларнинг нафақат бенуқсон туғилиши ва ҳатто чақалоқлигидан жисмоний тарбиясига жиддий эътибор берибгина қолмасдан, балки илму-ҳикмат ва хунарларни ўрганиши, маънавий софлиги, яхшилик ва эзгулик хислатларини эгаллашлари тўғрисида ҳам бевосита ғамхўрлик қилишган.

Зероки, болаларда ахлоқий, ақлий, жисмоний, жинсий, меҳнатсеварлик, ишбилармонлик, ватанпарварлик тарбиясини бериш қаторида ростгўйлик, саховатлилик, инсонпарварлик каби фазилатларни тарбиялашга жиддий эътибор берилган.

### Адабиётлар рўйхати

1. Авеста. Избранные гимны. пер. с авестийского И. М. Стеблин – Каменского. –Душанбе: Ирфон. 1990.
2. «Авесто».Тарихий-адабий ёдгорлик. А. Маҳкам таржимаси –Т.: Шарқ нашриёти- матбаа концерни. 2001.
3. Абдуллаев К. Ф. Истоки начального образование у зороастрийцев // Актуальные проблемы гуманитарных и естественных наук. 2011. №7.
4. Абдуллаев К. Ф. Истоки образование у зороастрийцев //European Social Science Journal. – 2012. – №. 10-1. – С. 337-342. Зороастрийские тексты. - Санкт-Петербург: «Нева», «Лесной сад». 1998.
5. Гревцева Г.Я., Абдуллаев К.Ф. Инновационный подход к интеллектуально-физическому развития будущих учителей физической культуры //Экономика и социум. 2023. №5-1 (108).
6. Ҳомидов Ҳ. «Авесто» файзлари. -Т.: А.Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти. 2001.

7. Abdullayev Q.F, Bobomuradova N.J. The impact of the Zoroastrian teaching on the development of early greek science. ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal Year : 2021, Volume : 11, Issue : 3